

microenterprises. Tacit knowledge sharing is routine practice in microenterprises, and it is said as the main activity for innovation. Entrepreneurial orientation of risk-taking, proactiveness, and innovativeness is another crucial element to help micro-enterprises increase productivity and performance. Microenterprises should focus on making their tacit knowledge sharing more effective, especially in creating innovation of its products or services. Being small is an advantage of microenterprises in regulating their internal activities and capabilities to its advantage. This study is not

without limitations. The interview should be carried out to understand the standard knowledge sharing practices and investigate how entrepreneurial orientation can be further strengthened in a micro-enterprises environment. Future studies should address areas like innovation competencies, innovation intelligence in microenterprises. The findings can assist policymakers and the government agencies set an approach to assist microenterprises by providing more impactful training and development.

### References

- [Alvarez-Torres, F.J., Lopez-Torres, G.C. & Schiuma, G. \(2019\). Linking entrepreneurial orientation to SMEs' performance: Implications for entrepreneurship universities. \*Management Decision\*, 57\(12\), 3364-3386. <https://doi.org/10.1108/MD-11-2018-1234>](#)
- Baskaran, S. (2018). Mediation Effect of Knowledge Management Enablers on the Relationship between Organizational Characteristics and Entrepreneurial Orientation. **Gadiah Mada International Journal of Business**, 1(20), 1-32.
- Covin, J.G. & Wales, W.J. (2012). The Measurement of Entrepreneurial Orientation, Entrepreneurship Theory And Practice, 677 -702. DOI: 10.1111/j.1540-6520.2010.00432.x
- Davis, P.J. & Simpson, E. (2017). Resource-Based Theory, Competition and Staff Differentiation in Africa: Leveraging Employees as A Source of Sustained Competitive Advantage. *American Journal of Management*, 17(1), 19-33.
- Camisón, C., Puig-Denia, A., Forés, B., Fabra, M. E., Muñoz, A., & Martínez, M.C. (2016). The Importance of Internal Resources and Capabilities and Destination Resources to Explain Firm Competitive Position in the Spanish Tourism Industry. *Int. J. Tourism Res.*, 18: 341–356. doi: 10.1002/jtr.2053.
- Choi, B & Lee, H. (2003). An empirical investigation of KM styles and their effect on corporate performance. *Information & Management*, 40, 403-417.
- Gold, A.H., Malhotra, A., Segars, A.H. (2001). Knowledge management: An Organizational Capabilities Perspective. *Journal of Management Information Systems*, 18 (1) 185-214
- Hair, J.F., Hult, G.T.M., Ringle, C.M., & Sarstedt, M. (2013). *A Primer on Partial Least Squares Structural Equation Modeling (PLS-SEM)*. Sage, Thousand Oaks
- Hair, J.F., Jr, Hult, G.T.M., Ringle, C., & Sarstedt, M. (2014). *A primer on partial least squares structural equation modeling (PLS-SEM)*. Incorporated: SAGE Publications
- Hair, J. F., Hult, G. T. M., Ringle, C. M., & Sarstedt, M. (2017). *A Primer on Partial Least Squares Structural Equation Modeling (PLS-SEM)*, 2nd Ed., Sage: Thousand Oaks.

## АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи –  
ТДИУ докторанти

**Аннотация:** Мақолада дунё мамлакатларидаги аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш механизмлари тадқиқ этилган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аёллар тадбиркорлиги фаолиятини ривожлантириш мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини барқарорлигини таъминлашга

сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатди. Ушбу мақоладан мақсад ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги аёллар юритадиган бизнес учун яратилаётган ишбилармонлик муҳити хусусиятларини ўрганиб, мамлакатимизда жорий этишда фойдаланишдан иборат. Тадқиқотда қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, тарихийлик ва илмий абстракциялар усулларидан фойдаланилди. Ўрганилган мамлакатлар ичида Малайзия давлати Ўзбекистон шароитига ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мос дея топилиб, бизнесдаги аёллар ҳолати ва яратилаётган шарт-шароитлар чуқурроқ ўрганилди ва тегишли хулосалар берилди.

**Таянч иборалар:** бизнес, аёллар тадбиркорлиги, ривожлаётган давлатлар, Малайзия, тадбиркорлик муҳити.

### **Кириш.**

Мамлакатимизда айти пайтга қадар КБХТ олимлар томонидан ҳар тарафлама ўрганилган бўлсада, аёлларга тегишли бизнеснинг ривожланиш муаммолари тўғрисида қатор тадқиқотлар олиб бориш зарурати ҳали ҳануз мавжуд. Чунончи, чет элда аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантириш, уни давлат томонидан қўллаб қувватлаш усуллари ва тамойиллари мамлакатимиздаги ҳолат билан қиёсий таҳлил қилиниши лозим. Шу асосда Ўзбекистонда тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш ва унинг мамлакат иқтисодий ривожига қўшадиган хиссасини кўпайтириш йўллари ишлаб чиқилади.

Жаҳонда яқин йилларгача ҳатто ривожланган давлатлар(АҚШдан ташқари) бўйича ҳам хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти ҳақида аниқ ва ишончли, миқдорий далиллар камёб бўлган. Бироқ 2006 йилда Глобал тадбиркорлик мониторинги (Global Entrepreneurship Monitor – GEM) жамоаси томонидан илк бор кўплаб ривожланган ва ўрта даромадли мамлакатлардан аёллар тадбиркорлиги бўйича глобал миқёсда тизимли ёндашув асосида маълумот йиғиш бошланди. Шунингдек, Жаҳон Банки ва бошқа агентликлар ҳам кўплаб давлатларда, хусусан паст даромадли Африка ўлкаларида ҳам тегишли маълумотлар базасини шакллантира бошлашди.

2015 йилдан бошлаб яна бир ташкилот Глобал тадбиркорликни ривожлантириш институти(GEDI) 77 мамлакатда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш шарт-шароитлари таҳлил қилиб “Аёллар тадбиркорлик индекси”-

ни эълон қила бошлади. Бундан кўринадики, аёлларнинг бизнес фаолияти дунё бўйича ҳам яқин йиллардагина жиддий ўрганила бошланди. Ҳисоботга кўра, тадбиркор аёлларнинг етакчи ўнталигига АҚШ, Австралия, Буюк Британия, Дания, Нидерландия, Франция, Исландия, Швеция, Финляндия ва Норвегия кирди<sup>1</sup>. 2020 йилда ушбу индекс бўйича Белгия, Канада каби давлатлар етакчилик қилган бўлса, Ўзбекистон 67.5 балл билан 139 ўринни эгаллади<sup>2</sup> Бу каби кўрсаткичлар мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш йўналишидаги чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш ва тубдан такомиллаштириш зарурлигини исботловчи чигал вазият натижасидир.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ушбу тадқиқот аёлларнинг бизнес фаолияти бўйича минтақалар ва мамлакатлар тажрибаси бўйича қиёсий таҳлил ўтказиб, Ўзбекистон шароитида улардан фойдаланишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйган. Тадқиқотда қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, тарихийлик ва илмий абстракциялар усулларидан фойдаланилди. Бунда, Глобал тадбиркорлик мониторинги ташкилоти(GEM), Глобал тадбиркорликни ривожлантириш институти(GEDI), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти(OECD), Халқаро Меҳнат ташкилоти(ILO) маълумотлари ва мамлакатларнинг расмий веб сайтлари маълумотларидан ҳамда нуфузли хорижий журналларда чоп этилган тадқиқот материалларидан фойдаланилди.

### **Тадқиқот натижалари.**

Умуман олганда, бутун дунё бўйича аёллар тадбиркорлигининг ўсиш суръатлари

<sup>1</sup> Terjesen, S., & Lloyd, A. (2015). The 2015 Female Entrepreneurship Index. Report. The Global Entrepreneurship and Development Institute (GEDI). <https://thegedi.org/research/womens-entrepreneurshipindex/>.

<sup>2</sup> Terjesen S., Lloyd A. The Female Entrepreneurship Index (FEI), Global Entrepreneurship and Development Institute. Thegedi.org. [Электронный ресурс]. URL: <https://thegedi.org/research/womens-entrepreneurship-index>

ва кўринишлари жуда хилма-хил. Ушбу тенденцияларни ҳар доим ҳам даромад даражаси ёки маданиятлар ўртасидаги фарқ билан изоҳлаб бўлмайди.

**Европа Иттифоқи** таркибига кирувчи мамлакатлар иқтисодий интеграцион хусусиятга эга бўлган ҳолда, ушбу минтақада аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мамлакатлардаги ишсизлик даражасини камайтириш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилганлигини кузатишимиз мумкин. Европа аёлларининг тадбиркорлиги дунёнинг бошқа минтақаларидагига қараганда камроқ улушга эга: Европа аёлларининг атиги 5,7% и, дунё бўйича эса ўртача 11% аёллар бизнес юритади. Бунга сабаб уларда қулай альтернативлар мавжудлиги ҳамда ҳукумат томонидан ишсизликда ва бола парваришида жуда юқори ижтимоий ҳимоя тизими йўлга қўйилганлиги десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, ўрганишлар натижасида европалик аёллар саноат секторида эркаклар билан бирмунча тенг иштирок этиши аниқланди, хаттоки, Нидерландия ва Швейцарияда АКТ соҳасида аёл тадбиркорлар етакчилик қилади<sup>3</sup>.

**Латин Америкаси ва Кариб денгизи** минтақасида дунёдаги энг жонли, фаол бизнесларни ўз ичига олган иқтисодийлар жойлашган. Дарҳақиқат, ушбу минтақа аёллар юритадиган тадбиркорликнинг юқори ўсиш тенденциялари ва асосан эркаклар устунлик қиладиган ишлаб чиқариш ва транспорт секторидаги фаол иштироки билан фахрланса арзийди. Уларнинг фаолияти иш ўринларини яратиш ва экспорт қилиш бўйича жадал характерга эга бўлмаса-да, эркакларга нисбатан кўпроқ инновацион маҳсулот ва хизматлар таклиф этиши билан сезиларли фарқ қиланди. Масалан, Колумбияда инновацион маҳсулот тақдим этадиган бизнеследилар эркак тадбиркорларга нисбатан икки баробар кўп.

**Яқин Шарқ ва Африка** минтақаси дунёда аёлларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги борасида етакчилик қилади. Ушбу ҳудуднинг ажабланарли томони шуки, бизнес эгаллигида аёллар ва эркакларнинг деярли тенг нисбатига эришган мамлакат

– Ангола(мамлакат аҳолисининг ярми тадбиркор), шунингдек, энг паст кўрсаткичларга эга бўлган мамлакатлар – Марокаш (умумий аёлларнинг қарийб 5%и бизнесда), Саудия Арабистони, Уммон ва Бирлашган Араб Амирликлари ушбу минтақада жойлашган.

**Марказий&Шарқий Осиё** ҳудудида халқаро мониторинг маълумотларига кўра, дастлабки босқичдаги жами тадбиркорлик фаолияти(TEA – Total early-stage Entrepreneurial Activity)нинг энг юқори кўрсаткичи ҳозирги кунда мамлакат аёлларининг бешдан бири бизнес стартап билан машғул бўлган Қозоғистонда экани аниқланди. Минтақадаги аксарият(масалан, Ҳиндистон бундан мустасно) даромади паст бўлган ва аёл ишчи кучидан юқори даражада фойдаланиладиган мамлакатларда аёлларнинг ТЕА бўйича юқори фаоллиги қайд этилди<sup>4</sup>

**Шимолий Америкага** келсак, бу минтақада аёлларнинг тадбиркорлик фаоллиги таърихдан юқори бўлган. 2020 йилда ТЕА даражаси Америка Қўшма Штатларида 13,6% ва Канадада 13,9% бўлди, Минтақада глобал ТЕА(11%) дан юқори кўрсаткич мавжуд бўлсада, қиёсий жиҳатдан биров гендер фарқлари кўзга ташланади. Шунингдек, минтақа аёллари, айниқса Канадада, бошқаларнинг бизнесига норасмий инвестиция киритишда жуда фаол, аммо инвестиция ҳажми ва инвесторлар сони бўйича қарама-қарши жинс вакилларида ортда қолган.

АҚШ ва Канада каби ривожланган мамлакатларда аёл тадбиркорлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланишида иқтисодий ёндашув устун даражада намоён бўлади. Бунда кичик бизнесни ривожлантиришда аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйилишини рағбатлантирилиши иқтисодийда фойдаланилмаётган инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи куч сифатида қаралади. Ушбу мамлакатларда аёл-тадбиркорлар томонидан корхонани бошқаруви жараёнида ҳам юқори иқтисодий самарадорликка эришиш муҳим аҳамият касб этишини кузатиш мумкин.

<sup>3</sup> Minniti M., Naudé W. 2010. Introduction: What do We Know about the Patterns and Determinants of Female Entrepreneurship across countries? European Journal of Development Research. 22(3). P. 277–293. DOI: 10.1057/ejdr.2010.17.

<sup>4</sup> ГЕМнинг “Women’s Entrepreneurship 2020/21: Thriving Through Crisis” номли ҳисоботи. 2021 йил

### Таҳлиллар.

Хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги фаолиятини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият мамлакатларда давлатнинг мақсадли дастурлари асосида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги етакчи ўринни эгаллайди. Бу турдаги дастурлар доирасида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш кўп ҳолатларда оилавий ёки яққа тартибдаги тадбиркорлик шаклида ўз аксини топади. Масалан, Италияда оилавий тадбиркорликнинг 90 фоиздан зиёдроқ қисми тадбиркор аёллар ҳиссасига тўғри келади. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёлларнинг ўз бизнес фаолиятини юритаётган қисми Руминияда 45 фоизни, Польшада 27 фоизни, Словенияда 16 фоизни ва Болгарияда 11 фоизни ташкил этади. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган дастурлар Франция, Германия, Австрия, Скандинавия мамлакатларида ҳам амал қилган ҳолда, ушбу мамлакатларда ҳам аёллар тадбиркорлиги фаолияти кўпроқ кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорлик шаклида ўз аксини топади.

**АҚШ** иқтисодиётида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилади. Хусусан, ҳукуматнинг веб-сайтлари орқали ҳар йили, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 800 дан ортиқ мақсадли дастурлар эълон қилинади. Ҳукумат порталлари орқали эълон қилинган мақсадли дастурларга тадбиркор аёллар томонидан тақдим этилган ва танловдан ўтган бизнес лойиҳалар “Кичик бизнес бошқармаси (SBA)” томонидан молиялаштирилади<sup>5</sup>.

Мамлакатда юқори даражадаги мослашувчанлик хусусиятига эга 7(а) кредит дастури<sup>6</sup> бўлиб, у кичик турдаги тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш дастури ҳисобланади. Ушбу дастур доирасида жами ажратилган молиявий ресурсларнинг 50 фоизга яқини тадбиркор аёлларга берилган кредитлардир. Мамлакатдаги қарийб 7000 га яқин тижорат банклари бу турдаги кредит хизматлари кўрсатиш амалиёти билан шуғулланишади.

Унинг максимал миқдори 5 миллион АҚШ долларигача бўлиб, 5-25 йил муддат оралиғи учун тақдим этилади ва 6-13 фоиз ставкада берилади.

Қўшма штатлардаги тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, мамлакатда аёлларнинг корхона фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш жараёнидаги билим ва кўникмаларни шакллантиришга, уларни тизимли равишда ривожлантириб боришга ҳам эътибор қаратилади. Жумладан, “Аёллар бизнес марказлари (Women’s Business Centers)”<sup>6</sup>, “Тадбиркор аёллар Миллий Ассоциацияси (National Association of Women Business Owners)”<sup>7</sup> каби ташкилотларда тадбиркор аёлларни ўз бизнес режасини тузиш, корхона фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш, бизнес юритиш бўйича консултатив хизматлар кўрсатиш ишлари амалга оширилади. Шу билан бир қаторда мамлакатда тадбиркор аёлларга бизнес юритиш фаолиятига оид бўлган молиявий, ҳукукий маслаҳатлар бериш марказлари ҳам фаолият юритади.

Мамлакат иқтисодиётида тадбиркор аёллар нафақат ўзларининг, балки, бошқа тадбиркор аёлларни ҳам бизнесларини бошқариши ва ривожлантириш ҳақида қайғуришади. Хусусан, мамлакатда кўплаб тадбиркор аёлларнинг нотижорат ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ушбу ташкилотларда тадбиркор аёллар ўзаро бирлашган ҳолда, корхона бошқаруви, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнларини янада ривожлантириш бўйича тажриба алмашишади, корхона фаолиятини кенгайтиришга қаратилган кичик турдаги грантларни ишлаб чиқишади. Жумладан «Girl Geek Dinners», «Coffee and Coded», «Women 2.0», «Financial Women’s Association» каби ташкилотларда тадбиркор аёллар корхона бошқаруви бизнес юритиш усуллари ва бизнес ҳамкорлик кенгайтириш бўйича ўзаро тажриба алмашадилар. Шу билан бир қаторда, ушбу ташкилотлар томонидан мамлакатга яқинда кўчиб келган ва ўз бизнесини бошлаш мақсадида бўлган аёллар учун турли маслаҳатлар бериш билан ҳам шуғулланиладилар<sup>7</sup>.

<sup>5</sup> U.S. Small Business Administration <https://www.sba.gov/funding-programs/>

<sup>6</sup> <https://www.sba.gov/funding-programs/loans/7a-loans>


<sup>7</sup> <https://www.forbes.ru/forbes-woman/366627-damskiy-koshelek-kak-v-ssha-podderzhivayutzhenshchin-predprinimateley>

Хукумат томонидан тадбиркор аёллар томонидан кичик инновацион бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилади. Бунинг сабаби кичик инновацион бизнес инновацияларни амалиётга татбиқ этишда кам харажат талаб этган ҳолда, киска муддатда кўзланган натижага эришиш имконини беради. Шу билан бир каторда, бу турдаги фаолият ташкилий жиҳатдан илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига йўналтирилган бўлиб, амалга ошириладиган илмий тадқиқотларнинг интенсивлигини оширади. Қамров даражасининг пастлиги эса риск даражасини камайтириб ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг кескин ўзгаришларига тез мослаштиради. Ушбу бизнеснинг янги технология, илмий тадқиқотларни амалга ошириш йўналишларини ўз амалиётига татбиқ этиш тезлиги юқори ҳисобланади.

**Япония** бутунлай бошқача тараққиёт йўлини босиб ўтган, яъни АҚШдан фарқи

ўлароқ кичик бизнесга эмас, асосан эркалар юритадиган йирик саноат корхоналари катта эътибор қаратилган. Тарихан ҳам аёлларнинг тазйиқ ва дискриминацияга учраши оддий ҳол бўлган. Мамлакатда 2013 йилда “Womenomics” жорий этилгандан бошлаб хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш масаласи ҳукумат даражасидаги устувор вазифалар қаторига кирди<sup>8</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Япония ҳукумати ҳодимларнинг иши ва шахсий ҳаёти ўртасида мувозанат йўқлигини, меҳнат бозорининг кескин принциплари ва умрбод бандликнинг салбий таъсирини тан олган ҳолда доимо мувозанатни тиклаш йўллариини излайди. Узоқ йиллар давомида юз бериб келатган ушбу салбий ҳолатлар мамлакатда тадбиркорликнинг ҳам бошқа ривожланган давлатлар билан солиштирганда энг паст натижага эришишига сабаб бўлган(1-расм).



**1-расм. OECD(иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти)га аъзо мамлакатларда аёл жинс вакилларининг ижобий жорий бизнес ҳолати<sup>9</sup>**

Японияда аёллар тадбиркорлиги ривожланишнинг дастлабки босқичларида бирида дейиш мумкин.

Японияда Қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик вазирлигига тегишли қишлоқ хўжалигида аёллар тадбиркорлигини

рағбатлантириш дастурлари каби бир қатор ташаббуслар мавжуд. Шунингдек, хусусий сектордаги муваффақиятли ва нуфузли бизнеследиларнинг ташаббуслари аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. ДБЖ тажрибаси<sup>10</sup> бунга мисол бўла

<sup>8</sup> Address by Prime Minister Shinzo Abe, at The Sixty-Eighth Session of The General Assembly of The United Nations. URL: [https://japan.kantei.go.jp/96\\_abe/statement/201309/26generaldebate\\_e.html](https://japan.kantei.go.jp/96_abe/statement/201309/26generaldebate_e.html)

<sup>9</sup> Data extracted on 20 Aug 2022 07:56 UTC (GMT) from OECD.Stat <https://stats.oecd.org/index.aspx?queryid=83119#>

<sup>10</sup> Fujii T, Kanaoka S. 2014. Real Image and Significance of Female Entrepreneurs. Journal of the Japan Finance Corporation 23. P. 27-42. URL: [www.jfc.go.jp/n/findings/pdf/ronbun1405\\_02.pdf](http://www.jfc.go.jp/n/findings/pdf/ronbun1405_02.pdf)

олади. ДБЖ Аёллар тадбиркорлик маркази таниқли япон ишбилармон аёли, хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича фаол Кети М. Матсуи томонидан яратилган. Марказ 2011 йилдан бери (Womenomics ишга туширилишидан 2 йил олдин) япон аёллари учун грантлар, консультация, ўқув курслари, менторлик, молиялаштириш ва тармоқ яратиш каби масалаларда кўмаклашади. ДБЖ дастурлари бўйича маълумотлар: ҳисоботлар ва видеодарс кабиларни онлайн кузатиб бориш мумкин. Бироқ, маҳаллий олимлар таъкидлашча, хусусий ташаббуслар мамлакат кўламидаги салмоқли ўзгаришлар учун етарли бўлмапти.

**Хитой** модели замонавий ривожланишнинг ёрқин феноменидир. Кейинги йиллар давомида хитойликларнинг турмуш даражаси 9 мартага ошди. Хитойда “Аёлларнинг Умумхитой демократик Федерацияси” (1949 йил) ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси аёллар ва эркаклар тенглигини таъминлаш, уларнинг меҳнат манфаатларини ҳимоялаш, қизиқишларига мос равишда чоратадбирлар олиб боришга эришишдан иборат.

Аёллар иш билан бандлиги улушида хусусий тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг ўрни юқори бўлиб, хусусий тадбиркорликнинг касаначилик билан уйғун тарзда ривожланишига тегишли барча шарт-шароитлар яратилган. Аёллар касаначилигини ривожлантиришда давлат даражасида беш йиллик дастурлар самарали ишлайдики, бу нафақат шаҳарда балки шаҳар атрофида истиқомат қилувчи аёллар учун самарали иш билан бандликни оширишга ижобий таъсир кўрсатади<sup>11</sup>.

Дунёнинг кўплаб **ривожланаётган мамлакатлари** ҳам тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес муҳитини яхшилаш ва Жаҳон банкининг “Doing Business” ташаббусига жавобан саъй-ҳаракатларни кучайтириш бўйича муҳим ислохотларни амалга оширмақдалар. Аҳоли эса қашшоқликдан қутулиш ва камбағалликни қисқартириш учун эски

иқтисодий анъаналардан воз кечиб, ўз бизнесларини бошлашга киришмоқда. Аксарият ривожланаётган мамлакатларда айнан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, хусусан, қуйи бўғингача етиб борган ҳолда уларни кўллаб қувватлаш мавзуси ҳукумат ва жамият томонидан эътибордан четда қолиб кетмоқда эди. Қишлоқ жойлардаги тадбиркор аёлларнинг аксарияти уюшмаган, рўйхатдан ўтмаган ва норасмий фаолият юритади, ва натижада камроқ кўллаб-қувватланади ва деярли ваколатларга эга эмас. Шунга қарамай, бундай мамлакатларда охириги пайтларда кузатилаётган ижобий тенденция мавжуд тизимнинг ўрганишга аризили жиҳатлари борлигини исботлайди.

Масалан, **Малайзияда** аёллар тадбиркорлигидаги қийинчиликларни бартараф этиш бўйича бирмунча заиф кўллаб-қувватлаш дастурлари мавжуд бўлиб, ўрганишлар давомида қуйи бўғингача етиб борадиган аниқ сиёсатни учратмадик. Бу муаммо ҳозирда Малайзиянинг Аёллар, оила ва жамиятни ривожлантириш вазирлиги (Ministry of Women, Family and Community Development – MWFCD) ва Кичик ва ўрта бизнес корпорацияси (SME Corporation Malaysia) томонидан ҳал қилиниши кутилаётган масалалардан дир<sup>12</sup>.

Малайзиялик тадбиркор аёлларнинг аксарияти ҳозирда мода саноати, гўзаллик, косметика, озиқ-овқат саноати, ресторан бизнеси, ўқитиш ва консалтинг, болаларни парвариш қилиш ва мактабгача таълим каби соҳалар ва ҳатто илгари эркаклар бошқарган тармоқларга, яъни кўчмас мулк, суғурта, қурилиш, нефт ва газ ва саноатга тааллуқли корхоналарига эгалик қиладилар ёки уларни бошқармоқдалар. 2-расмда мамлакат аёлларининг кичик ва ўрта бизнесдаги ҳозирги ҳолати кўрсатилган, бунда тадбиркор аёллар кичик ва ўрта корхоналарнинг атиги 19,7 фоизига эгалик қилади.

<sup>11</sup> <http://www.ilo.org> –Халқаро Меҳнат ташкилотининг расмий сайти.

<sup>12</sup> Aini Suzana Ariffin at all. “Enhancing Women Entrepreneurship Development Framework: Policy & Institution Gap and Challenges in the Case of Malaysia” JOSTIP, Dec. 2020, Vol. 6 No. 2



## 2-расм. Малайзияда аёллар тадбиркорлик фаолиятининг тармоқлар бўйича тақсимланиши<sup>13</sup>

Мамлакат аёлларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи қониқарсизлиги оқибатида юзага келган гендер тафовутларини ҳисобга олган ҳолда, аёлларнинг тараққиётдаги ролини ошириш стратегиялари “National Vision Policy”<sup>14</sup> – NVP(2001–2010) қабул қилинди. Аёлларнинг тадбиркорликдаги иштирокини қўл-

лаб-қувватлаш ва ёлғиз оналарни камбағалликдан чиқариш йўналишидаги ислохотлар ушбу стратегиянинг етакчи масалалари сифатида белгиланган эди.

Умуман олганда, ҳозирда “Хотин-қизлар ва оила тараққиёти” вазирлиги томонидан 5та асосий дастур орқали аёллар тадбиркорлик фаолияти қўллаб қувватлагади:

- ёлғиз оналарнинг кўникмаларини ривожлантириш инкубатори (Single Mother Skill Incubator(I-KIT),
- тадбиркор аёллар инкубатори (Women Entrepreneurs Incubators (I-KeuNita),
- аёлларнинг қобилиятларини ривожлантириш дастури (Women Capacity Development Program),
- хотин-қизлар тадбиркорлигини бошлаш учун грант (Women Entrepreneur Launching Grant) ва
- аёллар солиғи дастури (Women Tax Program).

1-жадвал<sup>15</sup>

№	Дастур	Мақсад	Грант(РМ)	Изоҳлар
1.	Inkubator Kema-hiran Ibu Tunggal (I-KIT) (Single Parent)	Кам таъминланган ёлғиз она-ларга ўз бизнесини бошлашлари учун интенсив малака ошириш ва тадбиркорлик бўйича ёрдам кўрсатиш.	750,000	290 нафар иштирокчи тикувчилик, гўзаллик терапияси, пазандалик, хунар-мандчилик, болалар парвариши ва туризм йўналишлари бўйича 15 та ўқув машғулотларида иштирок этди.
2.	Women Entrepreneurs StartUp Grants	Тренингда қатнашгандан сўнг бизнес бошлашга тайёр бўлган аёлларни стартап грантлари билан таъминлаш. Муайян гуруҳларга мўлжалланган 31 та дастурни амалга ошириш ва тадбиркорликни рағбатлантириш.	3.8 миллиард (Relevant Ministries)	Саралаш ўтказилмаган ҳолда, ҳар бир кишига 500РМ дан 5000РМгача маблағ ажратилди.
3.	Tabung Projek Usaha-wan Bumiputera-i (TPUB-i)	Лойиҳасини молия институтлари томонидан молиялаштиришда муваффақ бўлмаган 200 та малайзиялик тадбиркорларни молиялаштириш.	220 Миллион	Кичик ва ўрта бизнеснинг узлуксизлигини таъминлашга эътибор қаравтилди

<sup>13</sup> Department of Statistics Malaysia, Official Portal, (2014). Small and Medium Enterprises 2005-2013. Retrieved 2017, from: [https://www.dosm.gov.my/v1/index.php?r=column/cthemByCat&cat=159&bul\\_id=RkljVmZBQnVUbit1SVpXeEFvOVRtQT09&menu\\_id=TE5CRUZCblh4ZTZMODZlbnk2aWRRQT09](https://www.dosm.gov.my/v1/index.php?r=column/cthemByCat&cat=159&bul_id=RkljVmZBQnVUbit1SVpXeEFvOVRtQT09&menu_id=TE5CRUZCblh4ZTZMODZlbnk2aWRRQT09)

<sup>14</sup> National Vision Policy (NVP) (2001–2010). Retrieved 2017, from: <http://www.fishdept.sabah.gov.my/sites/default/files/uploads/basicpage/files/98/national-vision-policy.pdf>

<sup>15</sup> Малайзия расмий саҳифалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

4.	Skim Anjakan Usahawan. SME Bank	Тадбиркорларга, хусусан, камида икки йилдан бери фаолият юритаётган малайзиялик кичик компанияларга ўз бизнесини кенгайтиришда ёрдам бериш.	20 миллион	80 нафар тадбиркорга мўлжалланган.
5.	Rural Economy Funding Scheme (SPED).	Хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ туризми соҳаларида қишлоқ тадбиркорларини молиялаштиришни таъминлаш.	15 миллион	300 нафар тадбиркорга мўлжалланган.
6.	DanaNITA, under Majlis Amanah Rakyat (MARA)	Мақсад – малайзиялик аёл тадбиркорларни рағбатлантириш, мавқеини ошириш ва ваколатларини кенгайтириш. Шунингдек, уй хўжаликларининг умумий даромадини оширишга ёрдам бериш ва тадбиркор аёлларнинг бизнес кўрсаткичларини юқори даражага кўтариш учун капитал оқими билан таъминлаш.	35 миллион	Аввалига ўқитиш ва маслаҳат беришга ва кейинчалик махсус молиялаштиришга ёналтирилган. 5000 нафар тадбиркорга мўлжалланган.

Амалга оширилган стратегиялар қаторига аёлларни камситувчи қонунлар ва тартиб-қоидаларга барҳам бериш, хотин-қизларнинг тадбиркорликдаги иштирокини рағбатлантириш орқали уларнинг иқтисодий мавқеини ошириш кабилар киради. Дастурларнинг бир қисми ҳар йили камида 1000 нафар аёлни тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларига жалб этиш, мослашувчан меҳнат тартибини жорий этиш ва ишлайдиган оналар учун болаларни парваришлаш муассасалари билан таъминланганлик даражаларини оширишга қаратилган. Кейинчалик Хотин-қизлар тараққиёти бошқармаси хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий даражасини оширишга қаратилган турли дастурларни амалга оширишга ташаббус кўрсатди. Аёллар тадбиркорлигини рағбатлантиришга оид бир қатор дастурлар 1-жадвалда таҳлил қилинган.

Малайзияда, шунингдек, молия институтларидан маблағ ололмаёган кичик ва ўрта корхоналарга кафолат берувчи Берҳад кредит кафолат корпорацияси (the Credit Guarantee Corporation Malaysia Berhad – CGC) фаолият юритади. Ташкилот молия институтлари тадбиркорларга хизматлар кўрсатиши учун асосий канал

бўлиб, шу билан бирга кичик ва ўрта бизнесни янада кенгайтириш учун номолиявий ташкилотлар билан иттифоқ ўрнатди. Ушбу корпорация турли хил кафолатлаш хизматларидан ташқари, янги ўсиш йўналишлари учун катализатор ролини ҳам ўйнайди, стартаплар ва тадбиркор аёлларга, шунингдек, яшил технологиялар ва интеллектуал мулк билан шуғулланадиган кичик ва ўрта бизнес учун тўғридан-тўғри молиялаштириш схемаларини тақдим этади.

Бир қатор ҳукумат ва хусусий агентликлар, жумладан Amanah Ikhtiar Malaysia (AIM) ҳам бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратади. Масалан, “1Azam” дастури иштирокчиларининг 20% (21 061 нафар) мазкур агентлик орқали микро-молиялаштирилди.

#### **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса шуки, иқтисодиётда муваффақият қозонган барча мамлакатларда тадбиркорлар иқтисодий ўсиш, иш ўринлари яратиш ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили сифатида қаралади. Ҳозирги ресурслар чекланган шароитда иқтисодий фаолиги бирмунча паст бўлган аёл жинс вакилларининг тадбиркорлик қобилиятига фойдаланилмаётган ресурс сифатида қараб, улар-



нинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш зарур. Шу сабабли давлат ва нодавлат ташкилотлар бизнес юритишда бирмунча кўп тўсиқларга дуч келадиган бизнеследиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ва фаоллигини таъминлаш учун саъй-ҳаракатларни янада кучайтириши керак.

Бунда ҳар бир мамлакат ўзига хос чора-тадбирлар, стратегиялар асосида турли ҳил ривожланиш йўлини босиб ўтмоқда. Ўзбекистон шароитида айнан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича хориж тажрибасини жорий этишда, аввало ўрнатилган мамлакатнинг макроқўрсаткичлари ва аҳолининг қадриятлари, шунингдек, аёллар масаласига муносабатнинг ўхшашлигига эътибор қаратиш зарур.

Мамлакатлар тажрибаси асосида айтиш

мумкинки, ривожланаётган давлатларда, хусусан Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини янги поғоналарга кўтариш учун тадбиркор хотин-қизларга ўсиш имкониятларини яратиб берувчи умумий қулай муҳит керак. Буларга қуйидагилар киради:

қулай сиёсий, ижтимоий ва макро-иқтисодий барқарорлик;  
моддий инфратузилма;  
самарали молия тизими;  
рақобатбардош бозор;  
хусусий сектордаги ўзгаришлар;  
тегишли ҳуқуқий база;  
қўллаб-қувватловчи сиёсат;  
ресурслардан ва қўмаклашувчи хизматлардан осон фойдаланиш имконияти (қўл етимлиги).

### Фойдаланилган адабиётлар

Terjesen, S., & Lloyd, A. (2020). The 2020 Female Entrepreneurship Index. Report. The Global Entrepreneurship and Development Institute (GEDI). <https://thegedi.org/research/womens-entrepreneurshipindex/>.

Minniti M., Naudé W. 2010. Introduction: What do We Know about the Patterns and Determinants of Female Entrepreneurship across countries? *European Journal of Development Research*. 22(3). P. 277–293. DOI: 10.1057/ejdr.2010.17.

Address by Prime Minister Shinzo Abe, at The Sixty-Eighth Session of The General Assembly of The United Nations. URL: [https://japan.kantei.go.jp/96\\_abe/statement/201309/26generaldebate\\_e.html](https://japan.kantei.go.jp/96_abe/statement/201309/26generaldebate_e.html)

2019年版 中小企業白書・小規模企業白書 概要 (White Paper on Small and Medium Enterprises in Japan 2019). 2019. METI. Japan. URL: <https://www.meti.go.jp/press/2018/04/20180420001/20180420001-3.pdf>

S. Rebrey “Women in Small and Medium Enterprises and Entrepreneurship in Japan” Вестник МГИМО-Университета. 2020. 13(3). С. 170-185 DOI 10.24833/2071-8160-2020-3-72-170-185

Fujii T., Kanaoka S. 2014. Real Image and Significance of Female Entrepreneurs. *Journal of the Japan Finance Corporation* 23. P. 27-42. URL: [www.jfc.go.jp/n/findings/pdf/ronbun1405\\_02.pdf](http://www.jfc.go.jp/n/findings/pdf/ronbun1405_02.pdf)

Aini Suzana Ariffin at all. “Enhancing Women Entrepreneurship Development Framework: Policy & Institution Gap and Challenges in the Case of Malaysia” *JOSTIP*, Dec. 2020, Vol. 6 No. 2

National Vision Policy (NVP) (2001–2010). <http://www.fishdept.sabah.gov.my/sites/default/files/uploads/basicpage/files/98/national-vision-policy.pdf>

Ministry of Women, Family and Community Development Strategic Plan 2013-2017 MITI Report 2015

Matthew Fox (Jul 23, 2010). “Malaysian Microfinance Institution (MFI), Amanah Ikhtiar Malaysia (AIM), Claims “World’s Highest” Microcredit Repayment Rate of 99.2 Percent”. [microcapital.org](http://microcapital.org).

<http://www.ilo.org>

<https://stats.oecd.org/index.aspx?queryid=83119#>

<https://www.dosm.gov.my/v1/index.php?r=column/>

<https://www.sba.gov/funding-programs/>

<https://www.sba.gov/funding-programs/loans/7a-loans>

<https://awbc.org/>

<https://www.nawbo.org/about>

<https://www.forbes.ru/forbes-woman/366627-damskiy-koshelek-kak-v-ssha-podderzhivayutzhenshchin-predprinimateley>

<https://www.sore.org>      [www.cgc.com.my](http://www.cgc.com.my)